



Ўзбекистон Республикаси

Президентининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбиди миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ва эътибор туйғуларини камол топтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3391-сонли қарори билан Шахрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган Халқаро мақом санъати анжуманини (кейинги ўринларда Анжуман деб аталади) биринчи марта 2018 йилнинг 6-10 сентябрь кунларида ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг тақлифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби 1-иловага;

Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита икки ҳафта муддатда Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбек миллий мақом санъати маркази:

бир ой муддатда халқаро анжуманининг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарий ва бадий дастурларини тайёрлаш;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг
ҚАРОРИ

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Балиқчилик тармоғи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли мамлакат иқтисодиётининг таркибиди балиқчилик улуши изчил ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, балиқчилик тармоғида ҳанузгача кўплаб камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда, уларни самарали ҳал этиш ишчанлик фаоллигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш, балиқ етиштириш учун илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илмий-инновацион тадқиқотлар ва ишланмалар сифатини ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг Тошкент вилояти Куйи Чирчик тумани ҳокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк ва ер участкалари, шу жумладан, сув ҳавзалари негизиди «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ деб юритилди) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишлаб чиқариш, сунъий сув ҳавзаларини балиқлантиришни янада ривожлантириш ва балиқчилик ҳўжаликлари таъминлаш учун балиқнинг янги ва синалган турларини иқлимлаштириш орқали насли балиқ чавокларини яратиш;

наследор балиқ личинкалари етиштирувчи замонавий инкубацион цех фаолиятини ташкил этиш, балиқ чавокларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, мавжуд балиқ чавокларини етиштирувчи сув ҳавзаларини модернизация қилиш ва қайта таъмирлаш;

► Давоми 2-бетда.



ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрель кунин Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтига ташриф буюрди. Институтнинг асосий йўналишлари, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан танишди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтига табиий бирикмалар кимёси, биологияси ва технологияси соҳасида катта илмий мактаб шакллланган. Бугунги кунда ушбу муассасада 159 илмий ходим табиий бирикмалар кимёсини ўрганиш, улар асосида тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги соҳалари учун дори воситалари ҳамда кимёвий препаратлар яратиш борасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Истиқлол йилларида бу ерда 500 дан ортиқ турдаги ўсимликнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, улардан 1 минг 200 дан зиёд модда ажратиб олинган. 246 янги алкалоид, 100 дан ортиқ фенол бирикмалари, 50 дан зиёд терпеноид бирикмаларнинг

кимёвий тузилиши исботланган. 5 мингдан ортиқ гетероциклик бирикма синтез қилиниб, уларнинг фаоллиги ўрганилган.

Институт қошидаги тажриба-ишлаб чиқариш корхонасида 20 га яқин дори воситаси субстанциялари ишлаб чиқарилмоқда, йилига 100 тонна ўсимлик хом ашёси қайта ишланмоқда. 2017 йилда Россия Федерацияси, Франция, АҚШ каби давлатларга 2,5 миллион доллардан ортиқ микдордаги биологик актив субстанциялар экспорт қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз фармацевтика корхоналарига субстанциялар етказиб берилмоқда.

Шавкат Мирзиёев мазкур даргоҳ ўзининг илмий салоҳияти билан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда етакчи ўринларда туриши, бу ерда яратилаётган янгиликлар фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 16 сентябрдаги «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури

тўғрисида»ги қарориди фармацевтика соҳасини ривожлантириш, хориждан келтириладиган дори воситаларини маҳаллий хом ашёдан ажратиб олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни чуқур қайта ишлаш асосида янги дори воситалари яратиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилган эди. Шунга мувофиқ, Ўсимлик моддалари кимёси институтига халқаро талабларга жавоб берадиган GMP заводи барпо этилмоқда.

Бунинг натижасида йилига 500 тоннадан зиёд ўсимлик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш имконияти яратилади. Жорий йилдан 30 дан ортиқ табиий тоза, импорт ўрни босувчи ва экспортбоп дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Президентимиз мазкур корхона билан танишди, олимлар томонидан тайёрланган биологик актив субстанцияларни кўздан кечирди.

— Дори субстанциялари фармацевтика саноатининг асосий омилдир. Бунинг учун ўсимликларни чуқур қайта ишлаш, ҳақон илмий ютуқларини ўрганган ҳолда, бугунги кунда талаб юқори бўлган препаратларни яратиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

► Давоми 2-бетда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРИ АДАБИЁТИМИЗНИ, МАЪНАВИЯТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ



ДАВРА СУҲБАТИ

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР — ЮРТИМИЗ КЎРКИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Президентимизнинг «Обод қишлоқ» дастури тўғрисидаги фармони мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Дастлаб Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилшод Остонов қишлоқларда замонавий уй-жойлар қуришнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди. «Обод қишлоқ» дастурида белгиланган вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Дастур асосида маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида «Обод қишлоқ» мақсадли жамғармалари тузилиши режалаштирилган.

Унинг манбаси бюджет, халқаро грантлар, ҳашарлар ва хайрия тадбирларидан тушадиган маблағлар эвазига тўлдирилади. Жорий йилнинг ўзида жамғарма ҳисобидан 3 триллион 40 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш — долзарб масала. Бу қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш учун салоҳиятли пудратчи ташкилотларни аниқлаш билан боғлиқ танловларни адолат мезонлари асосида ўтказишни талаб этади. Шунинг учун ҳужжатда Қурилиш вазирлиги ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳоки-

мият органлари раҳбарларининг масъулияти катъий белгилаб қўйилди.

Дастури амалга оширишда 190 га яқин тажрибали ва малакали лойиҳа институтлари қатнашади.

Давра суҳбатида дастурнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, дастурнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик орасида кенг тушунтириш, ҳудудларда дастур асосида қуриладиган уй-жойларнинг сифати ва ўз вақтида топширилиши бўйича депутатлик назоратини кучайтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз муҳбиримиз.

Муносабат

БУЮК МАЪРИФАТ ЗИЁСИ



Муслиҳиддин МУҲИДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси, Самарқанд
давлат университети профессори.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини ўқиб, кўнглимдан кўп ўйлар ўтди.

Бугун Ўзбекистон узра буюк бир маърифат зиёси таралмоқда. Мен эллик йиллик меҳнат фаолиятим давомида илм-фан ва унинг намоёндаларига бу даражада юксак эътибор қилинганини кўрмаганман. Илмий текшириш институтлари фаолияти тикланди. Бир қатор олий ўқув юртлири очилди. Ўзбекистон Фанлар академияси ўзининг иккинчи умрини яшай бошлади. Фан ва таълим, маънавият ва маърифат, адабиёт ва санъат аҳли Президент ғамхўрлигини ўз ҳаётлари мисолида кўриб, англаб, ҳис этаётгани ҳам айна ҳақиқатдир.

Алишер Навоий ҳазратлари айтади:

**Бировки қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.**

Илм ва олимлар қадрланмаган мамлакатнинг келажаги йўқдир. Фан ривожланса, давлат тараққий этади. Олим улуғланса, халқ маърифатли бўлади. Маънавиятли халқ ҳеч қимга бош эгмайди. Боболаримиз илм-фан ривожини орқали дунёни забт этишган. Илм-фан одамларни ҳурматланган мамлакатлар гуллаб-яшнаган, обод бўлган, тинчлик ҳукм сурган, кундан-кунга тараққий этган.

Бир пайтлар бутун дунё бухорийлар, фарғонийлар, самарқандийлар, хоразмийлар, термизийлар, насафийлар тартатган илм зиёсидан ёришган бўлса, бугун фан ва таълим заҳматкашларига кўрсатилаётган эҳтиром туфайли эртага ҳақон фанида улкан кашфиётлар қилиш уларнинг авлодларига насиб этишига ишонаман.

Президентимиз мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар негизиди аввало илм-маърифат тараққиёти мўжассамлашганини таъкидлайди. Тижоратчидан фермергача, оддий ишчи ё деҳқондан тортиб юксак лавозимдаги раҳбарларгача фаолиятини фаннинг илғор ютуқларини асосида қуриши лозимлигини ўқтиради.

Тан олиб айтиш керак, ўтиш даврининг қийинчиликлари сабабли илм аҳли меҳнатига яраша рағбатлантирилмади. Илмий-тадқиқот муассасаси ходимининг лицей ўқитувчисидан кам ойлик олиши, бутун умрини илм-фан равнақи-га бағишлаган профессорнинг маоши стажёр ойлигидан деярли фарқ қилмаслиги ёш олимларни ҳам, кекса авлод вакилларини ҳам кўнглидаги кентик эди.

Мамлакатимиз олимлари ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлган, илм аҳлини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент қарори барча олий ўқув юртлири ва илмий тадқиқот муассасаларида катта ҳурсандчилик ва мамнуният билан қутиб олинди. Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Мавлон Жўракулов давлат раҳбарининг ушбу қарорини руҳланиб: «Энди илм ривожланади, фан тараққий этади» деди. Бу нафақат бутун умрини илмга бағишлаган оксоқол олимнинг фикри, балки бутун юртимиз зиёлиларининг ақдиди қарашдир.

Президентимизнинг ушбу қарори билан йиллар давомида биз, олимларни ўйлантириб келган муаммога ечим топилди. Садриддин Айний домла айтганидек, қаламнинг навбати келди. Ишлайдиган, илм қиладиган замон бўлди. Менинг назаримда, олий таълим тизимида, илмий даргоҳларда ишлаётган фан докторлари ва профессорлар, тадқиқотчи ва ўқитувчи-ассистентлар ушбу қарорни имтиёзмас, масъулият ўрнида қабул қилиб, илм-фан ва таълим ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқлари керак. Илмий мактаблар фаолиятини янада жонлантириш, илмий ишлар сифат ва самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этиш биз, олимларнинг виждон амрига айланиши керак.

Илм тафаккурни янгилайди, одамлар онгини эскача тушунча, қолоқ қарашлардан халос қилади. Илм орқали асрлар қиёфаси ўзгарган. Давр ва замонлар фазилатда бир-бирдан ўзган, илгариланган. Инсоннинг юксалиши йўли — бу илм йўлидир.

ЯНГИ ФОЯЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Давлатимиз раҳбари институт фалолар залида вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва ЎзФА илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан мулоқот қилди. Унда мамлакатимизда олимлар, академиклар билан мунтазам учрашиб туриш аънаёнага айланиши, Ҳаракатлар стратегияси асосида илм-фанни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

— Ҳамма соҳанинг келажаги сизларга, илм-фанга боғлиқ. Бундан кейин мамлакатимизга келаятган ҳар бир хорижий инвестициянинг муайян фоизи илм-фанни ривожлантиришга ва илмий кадрлар тайёрлашга йўналтирилади. Илм-фан ривожланганига эртанги кунимиз ҳақида тасаввур қила оламиз, — деди давлатимиз раҳбари. Учрашувда сўзга чиққан олимлар Президентимизнинг кунги кеча қабул қилинган «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори уларга катта хурсандчилик, моддий ва маънавий рағбат берганини, бундан буён бор билим, куч-ғайрат ва шижоатини илм-фан ривожига қаратишларини алоҳида қайд этдилар.

Шундан сўнг Президентимиз Яшнобод туманидаги замонавий ҳарбийлар шаҳарчаси қурилиши билан танишди.

Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш ҳақида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани «Олимс» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилаётган кўп қаватли янги уйлар ҳам ўнлаб ҳарбий хизматчилар оиласига олам-олам қувонч бағишлаши шубҳасиз.

Президентимизнинг 2017 йил 13 январдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бу ерда 48 та беш қаватли уй қад рост-ламоқда.

Лойиҳага кўра, биринчи босқичда 540 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 18 та уй қурилмоқда. Буюртмачи — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК, лойиҳалаштириш ишлари — бош лойиҳачи «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилган. Қурилиш-монтаж ишлари 12 та пудрат ташкилоти томонидан тасдиқланган тармок жадваллари асосида амалга оширилмоқда.

Бунёдкорлик ишларига 30 дан ортиқ техника ҳамда 2000 га яқин малакали муҳандис ва ишчи ходим жалб қилинган. Бугунги кунга қадар гишт териш ишлари якунланиб, сантехника, пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, уйларда яратилаётган шароитлар билан танишди.

— Сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилаётган ҳарбий хизматчиларимиз турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ислохотлар бундан кейин

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар давлатимизнинг юксак иқтисодий қудратини намоён этмоқда.

ҳам изчил давом эттирилади, — деди Президентимиз. — Уларнинг фарзандлари таълим-тарбияси ва ижтимоий ҳимояси доимий эътиборимизда бўлади.

Иккинчи босқич доирасидаги 900 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 30 та уй қурилиши ҳам қизғин давом этмоқда. Буюртмачи — «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК, бош лойиҳачи — «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти.

Замонавий ҳарбий шаҳарча бўладиган ушбу мавзеда болалар боғчаси, мактаб, поликлиника ва бошқа ижтимоий объектлар ҳам барпо этилади. Уйлар Ватан ҳимоячиларига имтиёзли кредит асосида берилади.

Шавкат Мирзиёев уйлари ўз вақтида ва сифатли қилиб якунлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Шу ерда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманидаги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг қурилиш лойиҳаси билан танишди. Мактаб биноси Президентимизнинг 2017 йил 14 сентябрдаги «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қурилмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари «Юксак парвоз қурилиш» масъулият чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилаётган мактаб 1 минг 470 ўқувчига мўлжалланган. Бундан ташқари, вилоятлардан келиб ўқийдиган ўқувчилар учун 300 ўринли ётоқ-

хона ҳам қурилади. Мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилди. Жумладан, мустақил ишлаши, қобилиятини ривожлантириши учун махсус ускуналар билан жиҳозланган қўшимча хоналар, аудиториялар, табиий фанлар лабораториялари, информатика хоналари, робототехника устаконалари, спорт майдончалари ҳамда сузиш ҳавзаси барпо этилади. Шунингдек, ҳар бири 500 ўринга мўлжалланган фаоллар зали, ошхона ҳамда 20 минг китоб фондига эга кутубхона ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

Мазкур ихтисослаштирилган мактабнинг ташкил этилиши мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш ва замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

— Энг яхши мутахассислар тайёрлайдиган марказ шу ерда бўлади. Ушбу мактабга вилоятдан иқтидорли болаларни танлов асосида қабул қилиш лозим. Бу ерда шундай муҳит яратиш керакки, улар таълимни асосан электрон воситалар орқали олсин, — деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 28 октябр кунги пойтахтимизнинг Яшнобод туманида қуриб бېрилган «Ашхобод сайилгоҳи»ни бориб кўрган, сайилгоҳ атрофи, унга туташ ҳудудларни янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берган эди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан бу ерда замонавий маданият ва истироҳат боғи мажмуаси экинчи босқич қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Умумий майдони 12 гектарлик сайилгоҳ ичида 26

та аттракцион бўлган 1 та усти ёпиқ иншоот, очик типдаги 31 та ўйин аттракционлари, нурунийлар максани, совғалар дўкони ва бошқа савдо шохбчалари қурилди.

Президентимиз «Ашхобод сайилгоҳи»да олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Сайилгоҳга қираверишда туркман миллиятининг мардлик ва жасорат тимсоли бўлган ахалтеке отлари акс этган яхлит композиция барпо этилган. Бу ердаги жиҳозлар туркман миллий меъморлик аъналарини ўзида мужассам этган бўлиб, қарағай, қрим қарағайи, хинд сирени, эман, каштан, магнолия, аризона кипариси, салвия, мовий арчалар экилган. Ташриф буюрувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун ўриндиқлар, велойўлақлар, фавворалар ўрнатилган. Амфитеатр ва кафе ташриф буюрувчиларга мунтазир.

Қурилиш ишларига 24 техника ва 500 га яқин малакали ишчи-муҳандис жалб қилинган.

«Ашхобод сайилгоҳи» замонавий маданият ва истироҳат боғи мажмуасида 180 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган бўлиб, боғ яқин кунларда фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида барпо этилаётган замонавий иншоотлар қурилиши билан танишди.

Давр шиддат билан ўзгариб, замонавий технологиялар ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаятган ҳозирги кунда шаҳарсозликда инновацион лойиҳалар, янги қурилиш усуллари ва ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Бундай ёндашувлар ривожланган давлатларда «Келажак шаҳри» ёки «Янги шаҳар» деб аталмоқда.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмасор, Ислам Каримов ва Фурқат кўчалари ораллиғидаги 80 гектар ҳудудда барпо этилаётган «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик маркази шундай замонавий марказлардан бўлади. Лойиҳага мувофиқ, бу ерда бизнес-марказлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, офислар, Конгресс-холл, кўргазма заллари, кўп қаватли замонавий уйлар, ижтимоий ва бошқа объектлар барпо этилади.

Бугунги кунда «Toshkent City» ҳудудида Конгресс-холл ва замонавий меҳмонхона қурилиши жадал суръатларда олиб борилаётган. Конгресс-холл олий мартабали меҳмонлар иштирокида халқаро анжуманларни ўтказишга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги пайтда хорижий қурувчи-технологлар томонидан «Jet grout» муҳологияси асосида қозоқ қоқиш ва пойдевор қўйиш ишлари бажарилмоқда.

Йигирма қаватдан иборат беш юлдузли меҳмонхона энг замонавий қулайликларни ўзида мужассам этади. Ушбу меҳмонхонада ҳам нуфузли анжуманлар ўтказиш учун заллар, ресторанлар, салонлар, бассейнлар қурилади. Иккала иншоотдан бир-бирига махсус кўприк орқали ўтиш мумкин бўлади.

Президентимиз лойиҳалар билан танишар экан, мазкур иншоотларни энг замонавий технологиялар ва меъморлик андозлари асосида барпо этиш зарурлигини таъкидлади.

— «Toshkent City» шаҳар ичидаги янги шаҳар бўлиши керак, бу шаҳарча катта суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистонимизнинг бор салоҳиятини ўзида тўла намоён этиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қурилиши тезлаштириш, иншоотларни 2019 йил август ойида фойдаланишга топшириш юзасидан топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар Ватанимизнинг юксак иқтисодий салоҳиятини намоён этиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1 июлга қадар мазкур конференцияда хорижий давлатлардан иштирок этадиган мусикашунос ва мақомшунос олимлар, танкили санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантириш, уларни тақдирлаш сценарийсини ишлаб чиқсин;

1 августга қадар анжуман доирасида «Мақом мусика санъати ва унинг ҳаётини цивилизациясида тутган ўрни» мавзусида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўрсин;

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги анжумани ЮНЕСКО шафелиги остида ўтказиш масаласини белгиланган тартибда ҳал этсин.

6. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги 25 августга қадар Шаҳрисабз шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, анжуман ўтказиладиган саҳна майдонлари ва заллар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Анжуманга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг виза талабномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига кириш визалари белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Ўзғўймақлиқсаноят» уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноят палатаси ва «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда:

Анжуман доирасида Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой майдони ҳудудида мақом санъатига оид турли кўргазмалар, миллий соғлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкал-тарошлик намуналари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва

видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намоиши ва уларнинг сотуви ташкил этилишини;

Анжуман дастурини ишлаб чиқиш ва унинг Анжумандан уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этилиши, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини таъминласин.

9. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

анжуман қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ижодий гурӯҳ ва бадиий дастур иштирокчиларига ҳамда хорижий меҳмонларга Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятидаги меҳмонхона ва овқатланиш хизматлари 50 фоизлик чегирма билан ташкил этсин.

10. Анжумани ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қуйдаги тартибда:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг харажатлар сметасида маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳар йил назарда тутилаётган бюджет маблағлари доирасида;

30 фоизи — ҳомийлик хайри, маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Анжуманга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2018 йил 6 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Яна бир ҳақиқат бор. Олиб борилаётган савйи-ҳаракатлар фақатгина Афғонистондан келаёжак учун эмас, балки умумий хавфсизлигимиз, терроризм, фанатизм ва зуравонликдан холи дунё учун курашишни англатади. Шу боли Афғонистон муаммосига беларво қараш келажакка, тинчликка, тараққиётга беларво қараш, деб баҳоланмоғи керак. Бу ҳақиқатни тушиниш, тан олиш, ундан хулоса чиқариб, чога-тадбирлар белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Қарорда қайд этилганидек, ўзбек адабиёти-нинг бугунги таракқиятида 80 йилдан зиёд та-рихга эга, мамлакатимиздаги нуфузли ижодий ташкилотлардан бири бўлган Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмасининг мүнносиб ўрни бор. Аини вақтда таъкидлаш жоизки, Ёзувчилар уюшма-сининг асосий фаолият йўналишлари, унинг Низоми ва тарқийби тизимлиси бугунги давр та-лабларига тўлиқ жавоб берамтапти. Бозор иқти-содиёти ва глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёзъларининг хаётий ман-фаатларини таъминлаш, уларнинг жамият та-раққияти учун бекиёс аҳамиятга эга бўлган ма-шққатли ижодий меҳнатини мүнносиб қадрлаш, адабиёт ва санъат соҳасини ҳар томонлама ри-вожлантириш, бадий ижод аҳлининг жамиятим-из хаётидаги ўрни ва таъсирини қучайтириш, истеъдодли ёш ижодкорларни тизимли асосда тарбиялаш ва бошқа ўта муҳим йўналишларда оқчиликка йўл қўйилмоқда.

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда рўй бераётган улкан ўзгаришлар биз, иқдорларнинг тўққиниларнинг юбортяти. Президентимиз фаолиятида халқнинг кўнглига йўл топиш, одамларнинг дардини эшитиш, муаммоларнинг биртароф эътиш билан бирга маънавиятга, адабиётга, санъатга катта эътибор яққол кўзга ташланаётганига гувоҳ бўламиз, — дейди «Ешлик» журнали бош муҳаррири, шоир Нодир Жонузоқ. — Булар бир-бирига узвий боғлиқ эканини таъкидлашнинг истардим. Чунки адабиёт халқнинг кўнглини ўرғанади, одамларнинг қалбини ёрқин бўёқларда етказишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларни тўғрисида»ги қарори адабиётга эътиборнинг энг юсак намунаси бўлди. Қарорнинг ҳар бир бандида адабиёт оламининг ҳар бир жиҳатига чуқур кириб борилган. Айниқса, адабий наشرлар таҳририятларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар билан етакчи корхоналар ўртасида «Дўстлар клубларини» тузиш вазифалари белгилаб қўйилгани адабиёт нашрлари ҳодимларини ниҳоятда хурсанд қилиб юборди. Бугун қалб қувончга, шухуқга тўлиб кун. Бу бизга катта илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда санъаткорлар иштирокида концерт дастури намоиш этилди, ижодкорлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.



Жорий йилда «Қишлоқ қурилиш банк»

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Пойтахтимидаги «Зарқайнар»
Либослар уни галерисига «Agro food
forum — 2018» учинчи халқаро анжума-
ни доирасида мамлакатимизда хориж
тажрибаси асосида аччиқ қалампир
етиштириш, қайта ишлаш ва уни экспорт
қилиш борасида амалга оширилган
ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси
томонидан республикаимизда хориж
тажрибаси асосида аччиқ қалампир
етиштиришни қўлайлаштириш чора-тад-
бирлари тўғрисидаги қарори ижросини
таъминлаш мақсадида иш бошланган
Chilluz маъсулияти чекланган жамия-
тининг очилиш маросими тақдими
ҳам бўлиб ўтди.

Хусусан, анжуманда қалампирнинг бир қанча шифобахш хусусиятлари ҳақида айтиб ўтилди. Мисол учун, дунёга машҳур Гарвард университети олимлари овқатига аччиқ зираворлар қўшиб истеъмол қилган кишиларда бошқаларга нисбатан эрта йилд хавфсиз уч баробар кам эчкилими аниқлашган.

— Қалампирнинг дунёда уч мингдан ортиқ тури бор, бир неча туруни юртимизда етиштириши мумкин, — дейди Chiliuz масъулияти чекланган жамияти директори Фуракт Бахромов. — Жорий йилда 270 минг тонна қалампир етиштирилган. Бутунгиллик, кулун ва майдаланган ҳолатдаги қалампир экспортини 150 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Келгусида жамиятимиз қорхоналарида қалампир қайта ишланиб, соус шаклида сотува чикирилади.

гектарга аччиқ шпир экилди

Анжуман давомида инновацион технологиялар билан яқинда таништириш мақсадида кўргазмалар ҳам ташкил этилди.

Ноила МАРУПОВА

БИРГАЛИҚДА КИТОБ
ЎҚИЙМИЗ

Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА

АМИР ТЕМУР
ДИПЛОМАТИЯСИ



...Амир Темурнинг ташқи сийбас ва дипломатиясидаги одиллик ўз давридаги кўпгина давлат арбобларининг эътирофига ва чуқур ҳурматига сазовор бўлган ва асрлар оша кўплаб давлат раҳбарларига андоза вазифасини ўтаган.

Америкалик олим Р.Нельсон, — «Темур салтанатга фақат бир маданиятни мажбуран киритмасдан, аксинча турли маданиятларни қўшиб бу-гунгача яшаб келаятган Евроосийё ҳосилини шаклландиради ва индустриаллашув ва интеграцияни бошлаб берганини эътироф этади. Амир Темур Шарқ ва Ғарб минтақалари учун катта имкониятлар эшигини очди, ўрта аср кишиларини дунёга кенг қараш, бағрикенг бўлишга даъват этиб, тарихда биринчи марта «ягона макон» тушунчаларини назарий жиҳатдан ва амалда исбот этган.

Амир Темур воқеаларни ўз измига сола олиш фаълиятига эга бўлган ҳаризматик шахсдир. У адолат, инсоф, ҳақонийлик, рақибига раҳм қилиш ва умуман инсонпарварликка асосланган ташқи сийбас ва дипломатия мактабини яратган. Масалан: Миср элчиси билан ўзқўл муқаддаси таранг вазиятлар бўлгани ва рақибларнинг қўлпо хатоларига қарамадан Амир Темур босқич билан уларни кечириб юборган ва натижада 20 дан ортиқ хат алмашишлар асосида алоқабанд Миср мамулкилари давлати Амир Темур ҳокимиятини таниган.

Покистонлик олим Ф.Дурроний ҳам «Амир Темур Ўрта Осиёдан чиққан буюқ саркардалардан бўлган. Унинг қатъиятчилиги, бир мақсадга интилувчанлиги ҳамда тиршқоқлиги кучли рақиблари устидан ғалаба қозонишга ёрдам берган. У турли вазиятларда рақибларидан устун келишининг биронта ҳам имкониятини қўлдан бермаган, керак бўлганда ҳеч иккиланмай музокара олиб борган, ўзи кучли дипломат бўлган, унинг стратегияси эҳди билан ҳаракат қилиш, рақибига зарба бериш», деб унинг дипломатиясидаги хос хусусиятларга катта баҳо берган.

У «хотинларни беаёв жазолаган, кўрқоқлик ва икки юзмамчиликдан нафратланган, бироқ душманларига ўз қўли билан оқибон ўйлаб қўришга, ҳамда ҳулосалар чиқаришга имкон берган, агар улар ўз хатоларини тушуниб этиб, Соҳибқиронга бўлган садоқатини ҳаётда исботлаш учун яна бир марта имкон беришни сўраганда, уларни кечирган».

Академик Акмал Саидов ҳам Амир Темур дипломатиясидаги ўзига хос хусусиятлардан баъзиларини келтириб ўтган: У шаҳарларни байрон қилмасдан илжойи борича кам талафот бериб олишни асдал кўрган. Амир Темур ҳарбий хийла турларидан, қўқоқ ваъдадан тортиб, самимий насихатгача бўлган шакллардан моҳирона фойдаланган.

Унинг саройида элчиларни тайёрлаш учун тузилган махсус бўлима доимий равишда ишлаб турган. Элчиликка тили ширин, вазиятларни баҳолай оладиган, таранг вазиятларни яхши томонга ўзгартира оладиган ақли ўткир, ўз даврининг энг обрўли кишиларини тайинлаган. Ҳатто Европага юборилган Мухаммад Кеший бошчилигидаги элчиликка жавобан Кастилия киролининг элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Самарқандга кириб келганда Амир Темур элчиси испанча кийиниб олгани ҳам уларга билдирилган ҳурмат ва иззатнинг нишониси эди.

Азиз газетчон, Амир Темур фаълиятидаги тарихий нақблар Сизни қизиқтирса, «Амир Темур дипломатияси» номли китобни албатта топиб ўқинг.



Шоҳистахон Ўлжаева УАМУ тарих факультетига таълим олган. Меҳнат фаолиятини ушбу университетда бошлаган. 1997 йилда Франциянинг Ренн университетига таълим олишга кетган. 1999 йилда «Амир Темур ва Ғарбнинг даврий тарихшунослиги» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2008 йилда тарих ва ҳуқуқшунослик фани билан уйғунлиқда «Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва тарих фанлари доктори илмий даражасини олди.

Олима 2004 йилдан буён Тошкент киёв-технология институтининг Ўзбекистон тарихи ва сийбаси фанлар кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

БУЮҚ АДИБ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ
КЕНГ НИШОНЛАНАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 апрелдаги «Буюқ адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ташкилий кўмита йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар мазкур қарор ўзбек халқи учун азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти бўлган буюқ ижодкорга юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида қардош қирғиз халқи билан яқин қўшничилик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда, адабиёт, маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли йиғилиш ва қарама-қаршилиқлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Атоқли адиб нафақат қирғиз элининг, балки бутун дунёнинг буюқ шахси эди. Унинг «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Бўтақўз», «Биринчи муаллим», «Момо ер», «Сомон йўли», «Алвидо, эй Гулсари», «Оқ кема», «Соҳил ёқалаб чапайган олапар», «Асрга татиғулик кун», «Қиёмат», «Кассандра тамғаси», «Чўққидан қолган овчининг охи зори» каби кўплаб асарлари дунёнинг қатор тилларида таржима қилиниб, китобхонлар эътирофига сазовор бўлган.

Айниқса, халқимиз унинг асарларини ўзгача меҳр ва қизиқиш билан қарши олади. Чунки улуг адибнинг юртимизга, халқимизга бўлган муҳаббати, ҳурмати чексиз ва буюқ эди. Чингиз Айтматов адабиётимиз, маданиятимиз тарихини юксак баҳолаб, «Қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга қўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг қадим Русга



қўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин» деган пурмаъно сўзлари, ўз тақдирини ўзбек халқи тақдирига ўхшатиши унинг ана шу улкан меҳр-муҳаббатининг ифодаси эди.

Қарорда таъкидланганидек, ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган «Ўзбек иши», «Пахта иши» каби ноҳақ сийсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат қуйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Атоқли ёзувчи ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик намояндалари билан яқин дўст ва ижодий ҳамкор бўлгани ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунаси.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва эзгулик ғояларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва эллар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган баркамол асарлари мамлакатимизда миллионлаб нусхаларда нашр этилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетда «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» доимий экспозицияси фаолият кўрсатмоқда.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва қардошлиқ муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган эзгу сий-ҳаракатлари юртимизда яшайётган қирғиз милли вакилларини чексиз қувонтир-

моқда, — дейди Ўзбекистон қирғиз миллий маданият маркази раиси Р.Жабборов. — Давлатимиз раҳбарининг «Буюқ адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттириш, халқларимиз ўртасидаги маданият-адабий алоқаларни янада ривожлантиришига ишончимиз комил.

Қарорда Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш, «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш, ёзувчи асарлари асосида янги спектакль сахналаштириш ва бадиий фильм суратга олиш, Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номини бериш, Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-умумтаълим мактабига адиб бюстини ўрнатиш, «Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти» мавзусида илмий конференция ўтказиш, мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш, 2018 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилган.

Йиғилишда мазкур вазифалар ижроси юзасидан тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакилларининг ҳисоботлари тингланди, келгусидаги режалар атрофида муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР
АДАБИЁТИДАН
НАМУНАЛАР

Абай ҚҰНОНБОЕВ

НАСИХАТЛАР

Илм ўрганишни талаб қилган киши, аввало, уни билиши керак. Бунинг бир неча шартлари бор. Буларни билмай туриб ўрганилган илм юкмайди. Аввало, ўрганилаётган илм-хунарни охир бир кун келиб бирон қори-қолимга яраб қолар, деб ўрганмасдан, ҳаётда уни турмушга татбиқ қилиш мақсадида ўрганмоқ керак. Чунки илмни фақат билиб қўйиш учунгина ўргансанг ва шу билан қаноат ҳосил қилсанг, бундай илмнинг кимга кераги бор? Киши ўзининг билмаган нарсасини билиб ўрганса — бундан қанчалик ҳузур-ҳаловат топишини асти қўяверинг! Агар сен илмга астойдил меҳр қўйиб ўргансанг, сенда, яна кўпроқ билсан экан, деган муҳаббат пайдо бўлади. Шундагина сен кўзинг кўрган ҳар бир нарсани кўнглингга маҳкам туғиб, уқиб оладиган бўласан.

Киши эшитган нарсасини унутмаслик учун тўртта шарт бор: аввало, бунинг учун зеҳнли бўлмоқ керак; иккинчидан, бир нарсани кўрганда ё эшитганда — унга чин юракдан ихлос қўйиб, фаҳм-фаросат билан уқиб олмоқлик лозим; учинчидан, эшитганларини ичидан бир неча марта такрорлаб, кўнглига жо қилмоқ керак; тўртинчидан, кўнглига бошқа нарсаларни мутлақо келтирмаслик ва келса ҳам унга заррача эътибор бермаслик керак. Масалан: беғамлик, бепарволик, ўйин-қулги ёки қайғу-ҳасратга берилмаслик ва бошқа нарсаларга ихлос қўймаслик керак. Акс ҳолда бу тўрт нарсалар ақл билан илмга путур етказадиган омилдир.

РЕКЛАМА

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг 27.03.2018 йилдаги АК-2351/22-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1887,0 кв.м. бўлган 0001-литердаги «Савдо, майший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси» (ертула, 1 ва 2 қават) мебель ва ускуналари билан қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 8 721 655 633 сўм.

Аукцион ғолиби объект учун тўловларни сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 30 кун ичидан амалга ошириши лозим.

Аукцион савдоси 2018 йил 7 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади. Талабдорлардан буюртманомалар қабул қилиш эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй манзилида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур объект 2018 йил 7 май куни сотилмай қолган тақдирда

такрорий аукцион савдоси 2018 йил 25, 23, 31 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади, такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув» ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТВ Тошкент шаҳар, Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиладиган зарур бўладиган давлат бож (шу жумладан нотариал тасдиқлаш), аукцион ташкилотчиси-га тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, Риэлторлик хизмат-

ларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

— закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Қўшимча маълумотларни (0371) 147-40-00 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Лицензия RR-W 0008.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438. 11551 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00:20.
Topshirilgan vaqti — 01:55.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



ISSN 2020-7623

1 2 3 4 6